

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИНГАПУР БИЛАН ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8105242>

*т.ф.ф.д. (PhD) Рахимов С.А.*

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети*

*т.ф.ф.д. (PhD) Толибова С.Р*

*ЎЗР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг  
энг янги тарихи маркази илмий ходим*

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик муҳокама қилинади. Сингапур тизими, шунингдек, Ўзбекистон таълим тизимини такомиллаштиришда Сингапур тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари очиқ берилди.

### **Калит сўзлар**

*Сингапур, Ўзбекистон, таълим, ҳамкорлик, ахборот технологиялари.*

### **Аннотация**

В данной статье рассматривается сотрудничество между Узбекистаном и Сингапуром в сфере образования, раскрывается система образования Сингапура, а также возможность использования опыта Сингапура в совершенствовании образовательной системы Узбекистана.

### **Ключевые слова**

*Сингапур, Узбекистан, образование, сотрудничество, информационные технологии.*

Давлатнинг ривож ва унинг тараққиётини илм-фан ва таълим тизимида эришилган ютуқлар белгилаб беради. Бугунги шиддат билан ривожланиш жараёнига ўтган илм-фан соҳаси ўз ютуқлари билан жамиятда муҳим аҳамиятга эгаллигини яна бир бор кўрсатди. Таъкидлаш керакки, илм-фани ривожланмаган давлат ривожланган ва кучли давлат бўла олмайди.

XXI асрда жамият ривож тараққиётида фаннинг роли ва аҳамияти янада ошди. Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим [1]. Бу борада илм-фан ва таълим соҳасида

Ўзбекистоннинг таълимда катта ютуқларга эришган Осиёнинг етакчи давлатларидан бири Сингапур билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Сингапур халқаро таълим тизимида мисли кўрилмаган ютуқларга эришган Осиё давлати ҳисобланади. Давлат ташкил этилган биринчи кунларданок таълим соҳасига асосий ривожлантириш лозим бўлган муҳим йўналиш сифатида қаралди. Бунда Сингапурнинг таълим тизимида эришган барча асосий ютуқлари давлатнинг дастлабки етакчиларидан бири Ли Куан Ю номи билан боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Сингапур нафақат Жануби - Шарқий Осиё, балки бутун дунёда глобал таълим маркази бўлишга интилиб, мазкур тизимга катта инвестициялар ажратмоқда. Мамлакатда таълим тизимига сарфланадиган харажатлар миллий бюджетнинг 20%ини ташкил этади. Жумладан, мамлакат ҳукумати истиқболда 150 мингдан зиёд хорижий талабаларни ўқишга жалб этишни режалаштирмоқда. Бу ўз ўрнида, мамлакатга 2,4 млрд. доллар фойда келтиради ҳамда Сингапур ялпи ички маҳсулотининг 5% га ўсишини таъминлайди[2].

Сингапурда умумий таълим тизими ҳақида тўхталганда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Сингапур умумий таълим тизими уч босқичдан иборат. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 4 та таълим ҳудудига бўлинган бўлиб, ҳар бир ҳудуд 7 та мактаб кластеридан иборат. Ҳар бир кластер ўртача 12-14 бошланғич ва ўрта мактабни ўз ичига олади. PIRLS тадқиқотида (Ифодали ўқиш ютуқларини ўрганувчи халқаро тадқиқот ташкилоти) Сингапур аҳолисининг саводхонлиги дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Сингапур мактабларининг ўқувчилари 1995 йилдан буён математика ва табиий фанлар TIMSS (математика ва табиий фанлар бўйича тенденциялар) бўйича халқаро билимлар имтиҳонларида дунёдаги энг яхши натижаларни кўрсатмоқда.

Шу ўринда, Сингапур таълим тизимининг таракқий этишида, давлат томонидан мустақилликка эришган пайтдан бошлаб олиб борилган ислохотларни ўрни беқиёслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, 1961 йилдан 1991 йилгача Сингапур ҳукумати мактаб тизимининг мустақиллиги ва мослашувчанлигини оширишга, шунингдек, таълим сиёсатини мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини оширишга йўналтириш, ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган қатор ислохотларни амалга оширди. Ислохотларнинг яна бир мақсади, таълим жараёнининг моҳияти нафақат болалар миясини турли хил фан билимлари билан

тўлдириш бўлмади, балки ёшларни ҳаётий кўникмалар, масъулият, ўзаро ёрдам ҳисси, ишга муҳаббат, қизиқувчанлик, жасорат ва мослашувчанликни шакллантириш эди.

Сингапурда ўқувчиларни мактабга қабул қилиш 6 ёшдан бошланади. Бошланғич мактабда талабалар математика, инглиз тили, этика, музика ва жисмоний тарбия каби фанлардан асосий билимларни олади. 6-синф охирида улар ўрта мактабда ўқишни давом эттиришга рухсат берувчи PSLE якуний имтиҳонини топширадилар. Маълумот ўрнида айтиш керакки, PSLE имтиҳонлари миллий имтиҳондир. Имтиҳон инглиз, она тили, математика ва табиий фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини текширишга қаратилган.

Ўрта умумий таълим 4 йил давом этади. Ушбу босқичда талабалар техник соҳани, бухгалтерия ҳисоби, шунингдек давлат ва хорижий тилларини ўрганишга ихтисослашган йўналишлардан бирини танлашлари мумкин. Бу босқичдан сўнг умумтаълим мактаблари битирувчилари техникумларга (3 йиллик) ёки техник институтларга (ўқиш муддати - 2 йил) ўқишга қабул қилинади. Талабалар ушбу ўқув даргоҳларида қуйидаги соҳаларда мутахассисликларни олишлари мумкин: муҳандислик, алоқа, рақамли технологиялар, биотехнология ва бухгалтерия ҳисоби. Ўқишни тугатган битирувчиларга ишга жойлашиш имконини берадиган диплом берилади.

Сингапур олий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) муҳим рол ўйнайди. Бу талабалар ўртасида инновацион ғояларни ривожлантиришга ва улар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга ёрдам беради.

Сингапурда бошланғич мактаб мажбурий ва пуллик ҳисобланиб, таълим харажати ойига 9,4 АҚШ доллар ва йилига бир марта тўланадиган 79,4 АҚШ долларни ташкил қилади. Ўрта таълим учун ота-оналар ҳар ойда 14,4 доллар ва ҳар йил учун бир марта 115,5 доллар тўлайди. Университетгача бўлган давр таълими учун харажат ойига 19,5 долларни ва йилига бир марта тўланадиган 158,8 долларни ташкил этади [3].

Икки давлат ўртасида мактаб таълими соҳасида фаол алоқалар ўрнатилган бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг 14 та Президент мактаби ва Қорақалпоғистон Республикасининг 300 та мактабида “Six Clouds” компаниясининг инглиз тилини ўрганиш бўйича интер фаол онлайн дастури ишга туширилган.

2018 йил Сингапур компанияси ҳамда ўша пайтдаги Мактабгача таълим вазирлиги ўртасида Тошкент шаҳрида “Modern Montessori International” мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Бугунги кунда кадрларни тайёрлаш ва салоҳиятини ошириш бўйича ҳам яқин ҳамкорлик мавжуд.

Сингапурнинг таълим соҳасидаги бой тажрибасидан фойдаланиш ва илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида 2008 йилда Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида Сингапур давлатининг Сингапур менеджментни ривожлантириш институти (*MDIS – Managment Devoelopment Institute of Singapore*)нинг филиали ташкил этилди. Ушбу институтда “Банк иши”, “Бизнес бошқаруви”, “Туризм” ва “Бизнесда замонавий ИТ” таълим йўналишлари бўйича ўқув фаолияти олиб борилмоқда. Сингапур техник ҳамкорлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари вакиллари турли қисқа муддатли курсларда қатнашиб келмоқда. Магистрлар ва илмий ходимлар алмашуви, илмий тадқиқотлар борасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган Сингапур менежментни ривожлантириш институти олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатганига кўп вақт бўлмаганига қарамай ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. (Қаранг: жадвал)

### Сингапур менежментни ривожлантириш институти 2023 йил талабалар статистикаси (киши)

жадвал

Талабалар	Сони	Хорижий талабалар сони
Бакалавр ва магистратура	5139	31
Аспирантлар	20	1
Жами	5159	32

Манба: Статистика студентов. <https://www.mdissuz/en/menu/students-statistics> (11.04.2023)

Кўриниб турибдики, ҳозир кунда институтда жами 5159 нафар талаба таҳсил олмоқда. даргоҳни 712 нафар битирувчи бакалавр йўналишида битирди ва 40 нафар талаба магистр даражасига эга бўлган эди [4]. Институтнинг 2019 йилдаги талабалар сони билан қиёслаганда 2023 йилга

келиб бу кўрсаткич 7 барабарга ошганини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга истиқболда мазкур талабаларининг малакавий амалиётини ишлаб чиқариш объектларида самарали ташкил этиш орқали олинган назарий билим ва амалий кўникмалари яхлитлиги таъминланса мақсадга мувофиқ бўлади.

### ХУЛОСА

Умуман олганда Сингапурдаги таълим дунёдаги энг самарали тизимлардан бири ҳисобланади. Мазкур давлат таълим тизими асосан академик стандартларга асосланиб, фан-технология ва муҳандислик соҳаларига эътибор қаратади ва танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилишни ривожлантиради.

Ўзбекистон ва Сингапур ҳамкорлигида асосий йўналиш бу таълим соҳасидаги алоқалардир. Икки давлат мактабгача, мактаб ва олий таълим ҳамда академик йўналишларда фаол алоқаларни олиб бормоқда. Бу эса давлатлараро ҳамкорликни ривожланишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сингапур халқаро таълим тизимида ўз ўрнига эга давлатлардан бири. Халқаро рейтинглар таълим соҳасининг турли йўналишларида юқори ўринларни эгаллаб келаётганлиги унинг бу борада юқори салоҳиятга эгаллигини яна бир бор тасдиқлайди. Шу боисдан, Ўзбекистоннинг Сингапур таълим тизими бой тажрибасидан фойдаланиши ва олий таълим муассасалари ўртасида узок истиқболли ҳамкорликни ўрнатиш орқали таълимни ривожлантириш борасида мақсадли ишларни йўлга қўйиш лозим. Бунда Ўзбекистоннинг етакчи университетлари ҳисобланган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетига янги қабул қилинган “2030 йилга қадар олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси”ни ҳисобга олган ҳолда, Сингапурнинг етакчи олий таълим муассасалари билан яқин алоқалар ўрнатиши, малакали профессор-ўқитувчиларни маърузалар ўқиш учун таълим муассасаларга жалб этиш тавсия этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [https://uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi\\_198650](https://uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlisga-murozhaatnomasi_198650) (11.04.23)

2. Хорижий мамлакатларида узлуксиз таълим тизими-Сингапурда таълим.//Узлуксиз таълим. Илмий-услубий журнал. -Т: 2013 йил, № 6, 119-125- бетлар.
3. Сингапур таълим тизими: жаҳон маорифида етакчи брендга айланган. <https://isrs.uz/uz/maqolalar/singapur-talim-tizimi-zaon-maorifida-etakci-brendga-ajlangan> (01.04.23)
4. [Электрон ресурс:] [http://www.mdis.uz/re\\_dsp\\_2019](http://www.mdis.uz/re_dsp_2019) (24.08.2020)